



## ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ, ЖАНГОВАР КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ РОЛИ

*Абдурахимова Д.А.*

*Ўзбекистон Республикаси Қурулли Қучлари Академияси  
Ҳарбий психология ва педагогика кафедраси профессори, н.ф.д.(DSc)*

**Таянч сўзлар:** Янги Ўзбекистон, Ватан, садокат, маънавият, маданият, одоб-ахлоқ, жанговар фаоллик.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, Родина, верность, духовность, культура, нравы, боевая деятельность.

**Key words:** New Uzbekistan, Motherland, fidelity, spirituality, culture, morals, military activity.

Жаҳон таълим тизимини компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда модернизациялаш, ўқитишнинг методик асосларини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бўлажак офицерларнинг замонавий уруш жараёнларига ахлоқий-руҳий, жанговар тайёрлаш, уларда педагогик, психологик билимларни ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий, шахсий ва касбий фаолият билан уйғунлигини таъминлаш, кундалик фаолиятда педагогик-психологик билимларни самарали қўллаш олиш қобилиятини таркиб топтириш, ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш орқали ижтимоий-гуманитар ва умумқасбий фанларни дунё ва жаҳон миқёсида содир бўлаётган замонавий урушлар ечимини ҳал этиш билан интеграциялаб ўқитиш алоҳида долзарблик касб этади. Мамлакатимизда олий ҳарбий таълим тизимини ислоҳ қилиш, малакали ҳарбий кадрлар билан таъминлаш, миллий, касбий талабларни халқаро андозаларга мослаштириш асосида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Шу боис фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг янгича талабларига мос равишда бўлажак



офицерларнинг касбий компетентлигининг муҳим йўналиши сифатида ахлоқий-руҳий, жанговар компетенцияни ривожлантириш зарурияти юзга келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида —Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса, интегратив ёндашув асосида бўлажак офицерларда ахлоқий-руҳий, жанговар компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, замонавий уруш жараёни ва ҳодисаларни таҳлил қилиш орқали бўлажак офицерларда ахлоқий-руҳий, жанговар компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Янги Ўзбекистон армиясида бугунги кунда бўлажак офицерларнинг маънавий-маданий, ахлоқий-руҳий тайёргарлик тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бўлажак офицерларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим эгаллаши, маънан-ахлоқан, жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайиши, ҳарбий хизматчилар қалбида Ватанга садоқат, фидойилик туйғуларини янада юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мана шу устувор вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда ҳарбий таълимни янада ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

“Қуролли Кучларимизда жанговар руҳни юксалтириш, аскар ва офицерларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга эътиборни янада кучайтириш керак”, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев.[1]

Ҳарбий таълим-тарбия жараёнида олий ҳарбий таълим муассасаси курсантларининг маънавий-маданий фазилатларини ривожлантириш технологиясини замонавий ҳарбий хизматчи шахси ва унинг ҳарбий хизмат фаолиятига комплекс ёндашув асосида таркиб топтиришнинг инновацион-педагогик моделларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, мақбул диагностик воситаларни модификациялаш орқали курсантларнинг маънавий-ахлоқий, тарбияланганлигини ташхис этишнинг ҳарбий педагогик имкониятларини кенгайтириш, касб, одоб-ахлоқ қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш кўникмаларини такомиллаштиришда касбий маданият ва маънавий-ахлоқий, тайёргарликни



такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг ижтимоий интеллектини ривожлантиришда маънавий-ахлоқий тарбиянинг тарбиявий имкониятларини ва маънавий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий, руҳий тарбиявий имкониятларини интеграциялаш орқали уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг ҳарбий педагогик механизмларини ишлаб чиқишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу туфайли, шахсий таркибда содиқлик, жанговар фаоллик, интизомлилик, мардлик, фидойилик, жасурлик, бардошлилик каби сифатларни шакллантириш ва уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга бўлган зарурат бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистоннинг чегара сарҳадларини ҳимоя қилиш, ҳудудий яхлитлик, барқарор тинчликни таъминлашда юқори даражадаги жанговор маҳоратни намоён қиладиган ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш, улар онгида маънавий-ахлоқий маданиятни юксалтириш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлмоқда. Янги мудофаа доктринасида белгиланган Қуролли Кучлар таркибидаги барча қўшин турларининг вазифалари ва ҳудудларда ҳарбий маъмурий секторлар фаолиятининг такомиллаштирилиши Қуролли Кучларнинг жанговор тайёргарлиги ва мамлакат мудофаа қобилиятини янги босқичга кўтаришга ва уларда касбий маданиятни ривожлантиришга имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 19 май кунидаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарларида Ватан ҳимоясини



таъминлаш олий қадрият сифатида миллий маънавий-ахлоқий маданият-ни юксалтириш омили эканлиги борасидаги фикрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий армиянинг такомиллашган таъсир механизмларини яратишнинг зарурияти ҳақидаги ғоялари олий ҳарбий таълим муассасаси курсантларида маънавий маданиятни юксалтириш, уларда жанговар шайлик, ахлоқий-руҳий тайёргарлик ишларини янада такомиллаштириш муҳим зарурият эканлигидан далолат беради.

“Ватан муқаддас – уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” эзгу ғояси ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий фаоллиги, юксак ватанпарварлиги, маънавий-ахлоқий маданиятини ва миллий руҳини юксалтириш ҳамда мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда мафкуравий аҳамият касб этмоқда.

Маънавий маданият нима ва у қандай тушунчаларни англатади?

Маданият - кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йуллари ва услублари мажмуидир.

“Маданият” атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларида ранг-баранг маъноларда ифодаланган. “Маданият” ва “Культур” атамалари мутахассислар фикрига кўра айни маънони англатиб, лотинча “ ишлов бериш”, “парвариш қилиш” маъносини англатган. Кейинчалик “маърифатли бўлиш”, “ тарбияли”, “билимли бўлиш” мазмунида ишлатилган. Шу боис маданият таркибида уч асосий қатлам мавжуд: 1) инсониятнинг мунтазам ақлий ва жисмоний фаол ижодий фаолияти; 2) моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқиш, истеъмол қилиш (фойдаланиш) ва асраш; 3) кадриятлар, ахлоқий тушунчалар, ҳудудий аъмолларнинг ҳаётга татбиқ этувчи ижтимоий тузилмалар. Маданият - фаол ижодий фаолиятдир. Инсон фаол ижодкорлик орқали ривожланади ва тараққиётга эришади. Ижодкорлик - инсон маънавий-руҳий фаолиятининг чегараларини кенгайтиради. Инсон ижодий кўникмалар, ақлий ва жисмоний меҳнат орқалигина ижодкорлик мақомига эга бўлади.[2]

Шахснинг таянч маданияти - бу демократик, эстетик, ахлоқий, миллий, психологик, ҳудудий, оилавий, хулқ, меҳнат ва мулоқот маданияти сифатида намоён бўладиган уни турли-туман қобилиятларнинг ривожланиш даражасини англатади. У инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши, атроф- муҳит шароитида яшай олиш қобилиятини ифода этади ва жамият маданиятини ўзида акс эттиради. Жамият маданияти таркибига миллий кадриятлар, билимлар, эстетик онгнинг кўринишлари, одамлар фаолияти



ва уларнинг натижалари, шахс ҳаётий фаолиятидаги маданий муносабатлар, ўзига хосликлар киради.

Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуққ, таълим- тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг таракқиёт даражасини акс эттиради.[3]

Таянч маданият учун болаликдан пойдевор қўйилади ҳамда таълим ва тарбия воситасида бу маданият тизимли чуқурлаштирилади ва такомиллаштириб борилади.

Маданиятли инсон - бу кўп (нарсани тушунадиган, бинобарин бошқаларга интиладиган, бошқаларни тушунадиган, бошқаларнинг маънавий ҳаётини “кашф этувчи”, юксак маънавиятга бой инсон. Маданиятли инсоннинг муҳим фарқли жиҳати шундаки, у тажовузкорликдан, шубҳали ҳаракатлардан, шахсий норасоликлар мажмуидан холи бўлади. Ана шундай инсонни олий таълим муассасаси шакллантириши зарур.[4]

Бизнингча, маънавий-маданий фазилат - бўлажак офицернинг маънавий сифатлари мажмуини ўзида акс эттириб, ижодий, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, бадиий, диний, ахлоқий билим ва тажрибаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш, маънавий воқеяликни таҳлил этиш, баҳолаш ҳамда салбий таъсир этувчи омилларни фарқлай олиш қобилиятидир.

Бўлажак офицернинг маънавий маданияти мураккаб тузилишга эга бўлиб, маънавий-ахлоқий билимлар, маънавий-ахлоқий сифатлар, касбий фаолият, маънавий ва маданий кадриятлар тизими, ахлоқий-руҳий, жанговар тайёргарлик каби компонентларни ўз ичига қамраб олади.

Бўлажак офицерларда маънавий-маданий фазилатларни такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:

- яхлит ёндашув – бўлажак офицерларни биологик ва психик, ижтимоий ва маънавий, англаш ва ўз-ўзини англаш, рационал ва иррационал бирлик сифатида тушуниш;
- бўлажак офицерларга педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; бунда юксак ижтимоий кадриятларнинг инсон шахсини ривожлантиришдаги ўрни, ҳар бир курсантнинг индивидуаллиги ва такрорланмас эканлиги ҳурмат қилиниши; унинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши;
- тарбия мақсади, объекти, субъекти, самарадорлиги кўрсаткичлари ва натижалари курсантнинг шахсиятида намоён бўлиши; бўлажак офицерларга ушбу жараёндаги асосий субъект деб қаралиши; тарби-



явий фаолиятда антропологик билимларга таянилиши лозим; биринчидан, этник ва ҳудудий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик шарт-шароитлар билан боғлиқликда, иккинчидан, ижтимоий институтларнинг асосий функцияларига мувофиқ келадиган ҳолда, учинчидан, тарбия жараёнида иштирокчиларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методлари танлаб олинадиган табақалаштирилган ёндашув.

[5]

Табиат билан уйғунлик тамойили қуйидаги қоидаларга риоя этишни талаб этади:

- 1) курсантнинг индивидуал-шахсий хусусиятларини ўрганиш ва тарбиялаш;
- 2) курсантнинг мотив ва эҳтиёжларига таяниш;
- 3) психологик-педагогик ташхис, маслаҳат ва коррекциянинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш;

Маданият билан уйғунлик тамойили таълимнинг барча тизимида бўлажак офицерни маданий ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини ўзгартиришга қобилиятли ҳаёт субъекти деб қараш деганда, таълимга маданий жараён сифатида, таълим муассасасига – педагог ва курсантлар ҳаётининг маданий намуналари яратиладиган, маданий воқеалар содир бўладиган, маданият яратиш ва маданиятли офицерни тарбиялаш амалга ошириладиган маданий-таълимий макон сифатида муносабатда бўлиш, ўқув-тарбиявий жараёнда миллий анъана, урф-одат, маросимларга таяниш кабилар тушунилади.[6]

Тарбиявий жараёндаги муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашувда – педагог ва бўлажак офицерлар ўртасидаги ҳурмат, уларнинг фикрини диққат билан тинглаш, уларга яхши ва эътиборли муносабатда бўлиши, ривожланаётган шахс ўзини ҳимояланган, керакли, аҳамиятли ҳис этиши; объектив ягона мақсаддаги ўқитувчи ва курсантларнинг ҳар томонлама ўзаро таъсири учун психологик қулайликлар яратилиши, шунингдек, қадриятли-мазмунли ёндашув – бўлажак офицерда ўз ҳаётининг мазмунини англаши учун зарурий шарт-шароит яратишга, унинг табиат, социум, маданият билан мулоқотида юзага келадиган шахсий фикрларини тарбиялашга йўналтирилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда глобаллашув жараёни ҳозирги замон ижтимоий тараққиётини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий қамраб олган шароитда бўлажак офицер маънавий-маданий фазилатларини юк-



салтиришга эҳтиёжнинг ошиб бориши тамойилларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида “Қуролли кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг муштаҳкам кафолатидир” мавзусидаги нутқидан
1. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисод, тафаккур. – Т.: “Маънавият”, 1999 – 200 б.
2. Комилова Т. Миллий ахлоқий кадрлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Т.: Фан, 2000. - 281 б.
3. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 302 б.
4. Эркаев А. Маънавият - миллат нишони: монография/А.Эркаев. - 2-ўлдирилган нашри. - Т.: Маънавият, 1999. - 239 б.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998. - 156 б.
6. Мусурмонова О. Юқори синф талабалари маънавий маданиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари. - Т.: Фан, 1995. - 165 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада глобаллашув жараёнида фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг янгича талабларига мос равишда бўлажак офицерларда касбий компетентликнинг муҳим йўналиши сифатида ахлоқий-руҳий, жанговар компетенцияни ривожлантириш зарурияти тўғрисида фикрлар юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается необходимость развития морально-психической, боевой компетентности как важного направления профессиональной компетентности будущих офицеров в соответствии с новыми требованиями науки, техники и производства в процессе глобализации.

#### SUMMARY

This article examines the need to develop moral, mental, and combat competence as an important area of professional competence for future officers in accordance with the new requirements of science, technology, and production in the process of globalization.